

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

С. Эшонова

Моҳларойим туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси

Маълумки, Ҳусайн Бойқаро (1438–1506; ҳукмронлик даври 1469–1506) даврида Ҳирот адабий муҳитига асос солиниб, Хуросон мактабига алоқадор шоирлар туркий, Мовароуннаҳр ҳудудидаги шоирларнинг форсий тилдаги ижодлари билан зуллисонайнлик янада тараққий этган. Қўқон хони Амир Умархон (1787–1822; ҳукмронлик даври 1810–1822) даврида эса Қўқон адабий муҳити вужудга келди. У Амирий тахаллусида ўзбек ва форс тилларидаги шеърларини жамлаб девон тузган [8: 406–413; 31]. Умархоннинг адабиёт, санъат ва илмга ҳомийлиги овоза бўлиб, Хоразм, Афғонистон, Кошғар ҳамда бошқа ҳудуддаги ижодкорлар ўз фаолиятларини Қўқонда давом эттириш учун хонликка кела бошлаганлар.

Амир Умархон шоирлар мушоирасини ташкил этиб, улар ичидан иқтидорлиларини рағбатлантирган бўлса, ички саройда Моҳларойим (1792–1842) ўзбек шоиралари силсиласига асос солган. У шоира Жаҳон Отин Увайсий (1781–1845) билан ҳамкорликда нафис мажлислар ўтказиб, шеър илмидан алоҳида таълим ташкил этганлар [24: 7–8].

Амир Умархон ҳар икки тилдаги шеърларини бир девонда жамлаган. Зуллисонайн шоира Моҳларойим эса *Нодира*, *Комила* тахаллуслари билан ёзган туркий, форс тилларидаги шеърларидан алоҳида девон тартиб қилган. Бу девон туркий дебоча билан бошланади. Шу билан бирга, *Мақнуна* тахаллуси билан форс тилида битган дебоча ва шеърларидан яна бир девон тузган [28: 35; 34: 28; 9: 489–491].

Таъкидлаш жоизки, Амир Умархон ҳам, Моҳларойим ҳам ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини ижодийлик билан давом эттириб, ривожлантирганлар. Бу гўзал жуфтликнинг ўзбек ва форс тилларидаги шеърлари баёзларга ҳам киритилган, ҳатто айримлари қўшиқларга айланиб севиб куйланган.

Шу ўринда, Моҳларойимнинг халқ ўртасида Нодирабегим деб шуҳрат қозонишига тўхталсак. Туркий давлатчилигида ҳукмдорнинг бош аёли исмига хотун атамаси қўшиб айтилган. Бу худди, қиролича маъносини англатган. Ашина давридан бошлаб, бу сифат ҳукмдор

оиласига мансуб барча аёлларга нисбатан қўлланган [26; 22: 20]. Темурий маликаларда эса келиб чиқиши саййидзода ёки мўғул хонларига алоқадор бўлса, исмига хоним, оға, бек авлоди бўлса бегим сифатлари қўшиб айтилган. Қўқон хонлигида маликалар, саййидзодалар исмига ойим, пошшо сифатлари қўшилган.

Моҳларойим аслида Қўқон хони Амир Умархоннинг бобурийзода тоғаси, Андижон вилояти ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи [34: 9]. Аслзода бўлгани учун исмига ойим қўшилган. Умархонга турмушга чиққанидан сўнг хонимойим (малика), ўғли Муҳаммадалихон тахтга ўтирганидан сўнг ҳокимойим (волида султон) титулларига эга бўлган.

Моҳларойимнинг замондоши Хотиф маълумотига кўра, “Умархон вафотидан сўнг бу иффат салафининг инжуси кунларини ҳасрату фироқ билан ўтказишни ношукрчилик деб билди. ... Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди” [34: 20]. Фуқаро эҳтиёжини адолат, ақл ва фаросат билан қондиргани сабабли, амирлар, фозиллар ва ҳалойиқ уни Билқиси замон [1], хонимойим, ҳокимойим дейишар, дуо қилишар экан [34: 24; 5]. Моҳларойимнинг айниқса, Нодира тахаллусида битган ўзбекча шеърлари кўплаб шеър мажлисларида ўқилиб, шеъриятга шинаванда Қўқон аҳлининг зеҳнидан, меҳридан ўрин олган. Халқ ўз хокимойимини Нодира тахаллусли шеърлари орқали ҳам танир экан, унга бегим сифатини қўшиб, Нодирабегим дея атай бошлаган. Айни пайтда Авазмуҳаммад Атторнинг “Туҳфат ат-таворихи хоний” асарида келтирилишча, Моҳларойим саховатпешаликда Ҳотамтой каби сахий, суратда малика – ҳокимойим, хулқда малак, бечорапарвар, жавонмард бўлгани сабабли Нодираи даврон дея олқишланган [1: 229*а*].

Моҳларойимнинг ҳаёти, ижоди Л. Олимий (1923), С. Айний (1926), Ў. Рашид (1940), Ҳ. Зуннун (1946, 1949, 1957), М. Алавия (1957), А. Қаюмов (1958), Т. Усмон (1958), Т. Жалолов (1959), В. Зоҳидов (1961), Ш. Ёрқин (1989) каби устозлар томонидан ўрганилиб, газета ва журналлардаги мақолалар, алоҳида китоблар шаклида нашр қилинган [18; 2; 20; 21; 13; 3; 14; 25; 11; 12; 10 ва бошқ.]. Лекин Моҳларойим ва бошқа ўзбек шоиралари авлодлари,


[1] Билқис – Яман мамлакатидаги Сабаъ юртининг адолатли ҳукмдори, кейинроқ Сулаймон алаҳиссаломнинг оқилалиги билан шуҳрат қозонган завжаси. Қаранг: [5].

уларнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган меросини шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб жамлаган, манбаларни ёхуд уларнинг нусхаларини давлат фондларига топширган, тадқиқ ва нашр эттирган профессор Маҳбуба Қодирова фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир [32-37; 24; 17 ва бошқ.].

Олима Моҳларойим адабий мероси манбаларини жамлаб, тадқиқ этар экан, унинг Нодира, Комила, Макнуна тахаллусларида ижод қилганини далиллаган. Девон, ғазалиёт, мажмуа ва айрим баёзлар таркибидан ўрин олган Нодира, Комила, Макнуна тахаллусларидаги шеърларини аниқлаган. Туркий ва форс тилидаги шеърларини ажратган, алоҳида жамлаб, алифбо тартибидан жойлаштирган ҳолда нашрини амалга оширган [17].

Афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин эса Маҳбуба Қодирова тадқиқоти ва нашри асосида Моҳларойимнинг ҳаёти ва туркий шеърларидан намуналарни 1989 йили Кобулда эълон қилган. Бу нашрнинг тадқиқот қисми форс тилида, Нодиранинг ўзбекча шеърлар араб ёзувида берилган [10].

Ўтган муддатда олима Маҳбуба Қодирова изланишларида зикр этилган фондлар номи ўзгарган ёки бошқа ташкилот таркибига қўшилган. Жумладан, шўролар давридаги А.С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтига қарашли адабиёт музейи 1968 йилдан бўён ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи сифатида фаолият юритади. 1978 йили мазкур музей негизида ташкил этилган Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фаолияти 1998 йилда тугатилиб, унинг фонди шу ном билан ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди таркибига киритилган. Ҳозирда бу институтда қуйидаги фондлар мавжуд:



Олима тадқиқотларида шоиранинг Комила тахаллусидаги 19 та ғазали Ўзбекистон Тарихи музейи архивидаги Фазлий шеърлари тўпланган қўлёзма таркибида мавжудлиги, айрим ғазаллари фотокопияси эса ЎзР ФА Адабиёт музейи фондидаги 921 рақам билан сақланиши айтилган [34: 28–30]. Бироқ ҳозирда мазкур нусхаларни аниқлашга муваффақ бўлмадик. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, Қўқон ҳокимойими Моҳларойим адабий мероси манбалари қуйидаги фондаларда сақланади дейишимиз мумкин:

Моҳларойим адабий мероси манбалари

№	Асар номи	Сақланиш жойи, инв. №	Тили	Саҳифаси	Кўчирилган санаси
1.	Нодира девони	ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Асосий фонд, № 4182.	Ўзб.-форс	Вв. 52	---
2.	Нодира девони	ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Ҳ. Сулаймонов фонди, № 313.	Ўзб.-форс	Вв. 182	---
3.	Ғазалиёти Нодира	ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Ҳ. Сулаймонов фонди, № 296/II.	Ўзб.-форс	Вв. 97	1929 й.
4.	Макнуна девони	ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Асосий фонд, № 7766.	Форс	Вв. 132	---
5.	Макнуна девони	ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Асосий фонд, № 2090.	Форс	Вв. 23	---
6.	Баёз	ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Асосий фонд, № 660.	Форс	Вв. 23	---

2001 йилда нашр этилган “Нодира-Комила” девони сўзбошисида келтирилишча, М. Қодирова мазкур нашрни самарқандлик Маҳмуд Диёрий шахсий кутубхонасида сақланаётган шоиранинг Комила тахаллусли яна бир қўлёзмаси асосида амалга оширган. Шоиранинг Нодира ва Макнуна тахаллусида битган туркий ва форсий шеърларининг айримлари мазкур қўлёзмада Комила

тахаллусида келгани, бу нусхада 373 та шеър жамлангани ва улардан 2,5 мингга яқин мисраси аввалги нашрларга кирмагани алоҳида қайд этилган [17: 3, 10–11].

Профессор М. Қодирова томонидан Моҳларойимнинг ўзбек ва форс тилидаги шеърлари алоҳида жамланиб, йиғма девонлар шаклида нашр қилинган, бироқ уларда қайси шеър қайси манбадан олингани аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, олима тадқиқотларида ЎзР ФА Шарқшунослик институти Ҳ. Сулаймонов фондида 313 ашё рақами билан сақланаётган қўлёзма девони зикр этилмаган, илмий таҳлилга тортилмаган ва илмий истифодага киритилмаган.

Юқорида зикр этганимиздек, М. Қодирова келтирган айрим манбалар ҳозирда аниқланмагани сабабли, биз 2001 йилда нашр этилган “Нодира-Комила” туркий шеърларининг манбалар асосида тўлдирилган девонидаги шеър матнларини ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 4182, 313 ашё рақамлари остида сақланаётган қўлёзма девонлар билан қиёсий тадқиқ этишни мақсад қилдик.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида 4182 ашё рақами билан сақланаётган Нодира девони нотўлиқ, алифбо тартибида тузилган, бироқ “дол” ҳарфида ёзилган айрим шеърлари билан узилиб қолган. Кейинги варақлар, қўлёзма ўртасидаги айрим саҳифалар йўқолган. Ҳажми 52 варақ – 104 бетдан иборат. Бу нусхада шоиранинг 81 та туркий, 28 та форс тилида ёзган жами 109 та шеъри, туркий дебочанинг дастлабки 3 варағи (вв. 1*б*–3*б*) келтирилган. Уларнинг барчаси Нодира тахаллусида битилган, лекин дебочада шоиранинг тахаллуси Комила экани қайд этилган. Кўчирилиш санаси, котиб исми келтирилмаган [33: 28].

Девонда шоира замондоши Нодим Наманонийнинг 12 байтдан иборат ғазали ҳам мавжуд:

Нодим ёзар бу назмни амри ҳужум била,
Марҳума байти Нодираға иқтидо қилиб [15: 16*б*–17*а*].

Ушбу байт мазмунидан Нодира вафотидан сўнг унинг шеърларига эргашиб ёзилгани маълум бўлади. Бу, ўз навбатида, мазкур қўлёзманинг Нодирабегим вафоти, яъни 1842 йилдан сўнг кўчирилганини кўрсатади.

Институтнинг Ҳ. Сулаймонов фондида 313 ашё рақам билан сақланаётган қўлёзманинг ушбу фонд манбалари каталогида “Нодира

девони” сифатидаги қисқа тавсифи берилган. Ҳажми 194 варақдан иборат. Тавсифда қўлёзманинг 1*б*–6*а* саҳифаларида девон дебочаси, шоиранинг ғазал, мусаддас марсия, муножот, мадҳия жанридаги шеърлари ҳамда ўша даврдаги Қўқон адабий муҳитига мансуб Хотиф (вв. 33*б*–46*б*, 71*б*–72*б*), Хозиқ (в.44*б*), Нурқул (вв. 49*а*–50*б*), Нодир (97*а*–111*б*, 167*а*–174*а*), Нодим, Фазлий, Рожий (вв. 183*а*–193*б*) шеърлари ўрин олгани, 33–34, 90–91, 104–105 саҳифалар ўртасидаги варақлар йўқолгани зикр этилган [16: 33*б*].

Қўлёзманинг 7*б*-32*б* саҳифаларида ا-алиф – ث-се ҳарфларига, 113*а*–128*а* варақларида ن–нун – ى-йо ҳарфларига, 175*а*–180*б* варақларда ل-лом, م-мим, ن-нун ҳарфларига шоиранинг Нодира, Комила, тахаллусларида ёзган ғазаллари, 131*а*–151*б,* 180*б*–182*б* саҳифаларида эса мухаммас, мусаддас, мусамман, таржиъбанд, фироқномалари ўрин олган.

Қўлёзманинг 33*б* варағидан бошлаб, “Бу мутафарриқа абётларким ҳазрат Амири жаннат сарир вафотларидин сўнгра ... *(матн сиёҳиси ўчган–СЭ)* ёри фузалоси марсия ва мадойиҳким машқ этар эрдилар, тартиб бирла бу дафтарға жаъм қилинди” мазмунидаги изоҳ мавжуд [16: 33*б*]. “Басмала”дан сўнг Хотиф, Хозиқ, Нурқул, Нодир, Нодим, Фазлий, Рожийлардан ташқари, Адо, Гулханий, Беҳжат, Хижлат, Фазлий, Маҳжурларнинг Амир Умархон ҳаёти, фаолиятига оид наср ва назмда битган маълумотлари, вафотига бағишланаган мадҳ, таърих-хроногорамма, марсия, мавъиза, ҳасратнома, қасида, баёни ҳоллари келтирилган [16: 33*б*–112*б*, 128*б*–131*а*, 152*а*–164*б*, 167*а*–174*б*, 183*а*–193*б*].

4182 ва 313 ашё рақамли қўлёзмаларда Моҳларойимнинг Нодира тахаллусида битган ўзбекча-форсча шеърлари ўрин олган.

Бу икки қўлёзма ҳамда олима Маҳбуба Қодирова томонидан 2011 йилда нашр қилинган “Нодира-Комила” девонидаги шеър матнларини қиёсладик. Нашрдаги шеърларда Комила, қўлёзмадаги барча шеърларда Нодира тахаллуси келтирилган, айрим сўзлар фарқли қўлланган. Қўлёзмадаги баъзи байт, шеърлар нашрда ва аксинча, нашрдаги баъзи шеър, байтлар қўлёзмада мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

4182 ашё рақамли қўлёзмада 1б-3б саҳифаларидаги дебоча берилиб, 3*б* саҳифасининг пойгирида кейинги саҳифа “ва табиат” сўзи билан бошланиши кўрсатилган. Лекин дебочанинг кейинги варақлари йўқолган.

313 рақамли қўлёзмада дебоча тўлиқ келтирилган. Дебочадаги “Шукр ва сипоси беқиёс ул Қодири лоязолгаким, жаҳон девонининг дебочасиға ислоҳ ва интизом андин” жумласидаги “лоязолгаким” сўзи № 4182да “лоязолғаким”, № 313да “лоязолаким” шаклида берилган [17: 17; 15: 1*а*; 16: 1*а*].

Зарраи хуршиди тобон қатра то баҳри амиқ,
Ҳар бири асрори ҳикмат эрди иншо айлади.

Мазкур байтдаги “*Зарраи*” сўзи № 4182да *“Зарраи то”*, № 313да *“Фи зарра то”* шаклида берилган [17: 17; 15: 1*а*; 16: 1*а*]. Нашрдаги “*амиқ*”, “*эрди иншо айлади”* сўзлари ёзилган варақ № 4182да йиртилган [17: 17; 15: 1*а*].

Нашр “Эй ҳамдинг ўлуб боиси ҳангомаи ашё” деб бошланувчи 9 байтли ўзбекча ғазал билан бошланган. 313 қўлёзмадаги дастлабки ғазал “Ҳамд ул-холиқ халқ ул-арзу ва-с-само” матлаъли 18 байтли форсча ҳамддан иборат [16: 7*б*–8*а*]. Шунингдек, № 313даги “Во ҳасрато ки Хисрави олийжаноб рафт” [16: 21*а*], “Ё раб, он шамъи шабистонам кужост“ [16: 21*аб*], № 313, 4182 даги “Дар хонақоҳ майкада роҳ Худо талаб” [16: 19*б*–20*а*; 15: 18*аб*], 4182 даги “Эй ғулом, шоҳ то шеъри ту дар Фарғона рафт”, “Бисмиллоҳи сифоти фидо исми аъзам аст” [15: 36*аб*] деб бошланувчи жами 6 форсча шеъри ҳам Моҳларойимнинг форсча шеърлари жамланган девони нашрларида мавжуд эмас. Мазкур ғазалларнинг барчаси Нодира тахаллусида ёзилган.

“Худовандеки бўлди сунъдин арзу само пайдо” [15: 6*б*–7*а*] деб бошланувчи ғазал № 313 да йўқ, нашрда 7 байт, № 4182 да 9 байтдан иборат. № 4182 даги 5, 8-байтлари нашрдан тушиб қолган.

5-байти:

Нечук бу тийрадил ҳамдингни изҳор айласун ё Раб,
Расулинг нутқидин чун “ло иҳсо” сано пайдо [15: 7*а*].

8-байти:

Наби нури азал дарёсида гавҳар нисор эрди
Анинг ҳар қатрасидин бўлди бу икки саро пайдо [15: 7*а*].

№ 4182 даги “Фироқинг оташидин оҳу овах” деб бошланувчи ғазал № 313 да йўқ. № 4182 даги 3-байт М. Қодирова нашрида мавжуд эмас [15: 43*б*]. Лекин у академик Азизхон Қаюмов нашрида учрайди [14: 30]:

Бале, бир-бирга бирла зоҳид,
Мухолифдур нечукким ўт била ях [15: 43*б*].

Худди шунингдек, № 4182 даги “Чун мендин узди меҳрини ул ёри муътамад” деб бошланувчи ғазал № 313 да йўқ. № 4182 даги 5-байт нашрларда мавжуд эмас:

Йўқ сандин ўзга додрасе деру Каъбани,
Сансан муроди кимки санам деру, ё Самад [15: 50*аб*].

№ 4182 даги “Кудурат лужидин дунё малус” [15: 38*б*–39*а*] деб бошланувчи, 7 байтдан иборат ғазал № 313 да, М. Қодирова нашрида йўқ. Лекин у Шафиқа Ёрқин нашрига киритилган [10: 58].

№ 4182 нинг 7*аб*, № 313 нинг 9*аб* саҳифаларида битилган “Зиҳи меърожинг ўлди анбиё меърожидин аъло” деб бошланувчи наът жанридаги ғазал эса ҳеч қайси нашрда мавжуд эмас.

Умуман олганда матний қиёс натижасида нашрларга кирмаган 5 байт, 1 ўзбекча ва 5 форсча ғазал аниқланди.

Юқоридаги таҳлил ва талқинлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, профессор. М. Қодирова томонидан Моҳларойимнинг ўзбек ва форс тилидаги шеърларининг йиғма матни нашр этилган бўлса-да, уларда шеърларнинг қайси манбага тегишли эканини кўрсатиш мақсад қилинмаган.

Қўлёзмадаги айрим шеърлар нашрда, нашрдаги шеърлар қўлёзмада мавжуд эмас. Дебоча ва шеър матнлари, байт ва бандлар ўртасида фарқлар бор. Шоира шеърларининг қўлёзма ва нашр нусхалари матний-қиёсий тадқиқи натижасида нашрларга кирмаган 5 байт, 1 ўзбекча ва 5 форсча ғазали аниқланди. Бу ўз навбатида, илмий янгилик бўлиб, Моҳларойим адабий меросига оид чалкашликларга ечим бериши билан назарий аҳамият касб этади. Шоира адабий меросини янада тўлиқ шаклга келтириш, шеърлари нашрининг тўлдирилган нусхасини яратишда манба сифатида хизмат қилади.

С. Эшонова

Моҳларойим туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси

Қўқон адабий муҳитига Қўқон хони, шоҳ ва шоир Амир Умархон (1787–1822; ҳукмронлик даври 1810–1822) асос солган, ривожлантирган. Унинг завжаси, Қўқон маликаси Моҳларойим эса мазкур муҳит таркибида шоиралар силсиласини ташкил этган ва айни шу жиҳати билан бошқа-ошқа адабий муҳитлардан фарқ қилади. Қўқон маликаси, шоира, давлат арбоби, боний, воқифалик фаолияти билан шуҳрат қозонган Моҳларойимнинг ҳаёти, фаолияти, унинг Нодира, Комила, Макнуна тахаллусларида яратган шеърий девонлари кўплаб устозлар томонидан ўрганилган. Турли фондлар, шахсий кутубхоналардаги қўлёзмалари аниқланиб, тадқиқ этилган, илмий истифодага киритилган. Бу жараёнда, айниқса, профессор М. Қодирова изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ кейинги тадқиқотлар натижасида М. Қодирова томонидан аниқланган қўлёзмаларнинг аксарияти кўрсатилган ўрнида йўқлигини, шоира адабий мероси манбалари асосан ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида сақланиб қолгани маълум бўлди.

Мақолада Нодирабегим қўлёзма девони ва нашрлардаги матнлар тафовути таҳлили берилиб, фарқли жиҳатлари кўрсатилди. Матний қиёс натижасида муайян сабаблари билан нашрларга кирмай қолган 5 байт, 1 ўзбекча ва 5 форсча ғазали аниқланиб, илмий янгилик сифатида талқин этилган. Мазкур шеърларнинг шоира ижодий мероси нашрининг тўлдирилган нусхасини яратишда манба сифатидаги ўрни белгиланган.

Калит сўзлар: *Қўқон адабий муҳити, туркий маликалар титули, Моҳлаойим, Нодира, Комила, Макнуна, М. Қодирова, туркий девон, нашр, шеър, матний қиёс.*

С. Эшонова

Текстологическое сравнение рукописей тюркских диванов Махлар-аим, хранящихся в фонде Института востоковедения АН РУз

Известно, что кокандская литературная среда была основана и развита правителем и поэтом амиром Умар-ханом (1787–1822; период

правления 1810–1822). Его жена, царица Коканда Махлар-аим, сформировала в этой среде цепь поэтесс, таким образом кокандская литературная среда отличается в этом отношении от других литературных сред. Многие учёные изучали жизнь и творчество Махлар-аим, прославившейся своей деятельностью как кокандской принцессы, поэтессы, государственного деятеля, благоустройственной деятельностью, организацией вакфных учреждений, а также созданием поэтических диванов под псевдонимами Надира, Камила и Макнуна. Рукописи в различных фондах и частных библиотеках были выявлены, исследованы и использованы в научных целях. В этой связи, исследования профессора М. Кадыровой представляют особую важность. Однако в результате дальнейших исследований выяснилось, что большая часть выявленных М. Кадыровой рукописей находится не в указанных местах, а наоборот, источники литературного наследия поэтессы в основном хранятся в фонде Института востоковедения АН РУз.

В статье дается анализ различий между текстами рукописного сборника и публикаций Нодирабегима, исследованы различные аспекты творчества поэтессы. В результате текстологического сравнения были выявлены и интерпретированы как научные новации 5 двустиший, 1 узбекская и 5 персидских газелей, которые по определенным причинам не вошли в публикации. Определена роль этих стихотворений как источника в создании полной копии издания творческого наследия поэтессы.

Ключевые слова: *Кокандская литературная среда, титулатура тюркских принцесс, Махлар-аим, Надира, Макнуна, М. Кадырова, диван, публикация, поэма, текстологическое сравнение.*

S. Eshonova

Textual Comparison of Manuscripts of Turkic Diwans of Mahlar-ayim Preserved in the Collections of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

It is known that the Kokand literary environment was founded and developed by the ruler and poet Amir Umar Khan (1787–1822; reign 1810–1822). His wife, queen of Kokand Mahlar-ayim formed a chain of poetesses in this

environment, thus the Kokand literary environment differs in this respect from other literary environments. Many scientists have studied the life and works of Mahlar-ayim, who became famous for her activities as a Kokand princess, poetess, statesman, improvement activities, organization of waqf institutions, as well as the creation of poetic diwans under the pseudonyms of Nadira, Kamila and Maknuna. Manuscripts in various collections and private libraries were identified, examined and used for scientific purposes. In this regard, the research of Professor M. Kadirova is of particular importance. However, as a result of further research, it turned out that most of the manuscripts identified by M. Kadirova are not located in the indicated places, but on the contrary, the sources of the poetess's literary heritage are mainly preserved in the collections of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

The article provides an analysis of the differences between the texts of the manuscript collection and publications, and examines various aspects of the poetess's work. As a result of textual comparison, 5 couplets, 1 Uzbek and 5 Persian gazelles, which for certain reasons are not mentioned in the literature, were identified and interpreted as scientific innovations. The role of these poems as a source in creating a complete copy of the publication of the poetess's creative heritage is determined.

Key words: *Kokand literary environment, titles of Turkic princesses, Mahlar-ayim, Nadira, Maknuna, M. Kadirova, diwan, publication, poem, textual comparison.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авазмуҳаммад Аттор. Туҳфат ат-таворихи хоний. РФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими. Инв. С.440.
2. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. 1926.
3. Алавия М. Нодира // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1957. № 4. Б. 83–87.
4. Алишер Навоий. Ғазаллар. Фузулий. Ғазаллар. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. 2223.
5. Билқис бинти Шароҳил (Яман маликаси) // https://islom.uz/maqola/15912.
6. Девони Макнуна. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. 7766.
7. Девони Фузулий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. 150.

8. Диван Амири. Собрание восточных рукописей Акедемии Наук Республики Узбекистон. Литература (Диваны) Т. I. Ташкент, 2017.
9. Диван Надиры. Диван Макнуны / Собрание восточных рукописей Акедемии Наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны). Т. II. Ташкент, 2023. С. 489-491.
10. Ёрқин Ш. Нодира ва шеърҳои у. Кобул, 1989.
11. Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. Тошкент, 1-китоб. 1970.
12. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. Тошкент, 1961.
13. Зуннун Ҳ. Шоира Нодирахоним // Ўқитувчилар газетаси, 17 май, 1946.
14. Нодира (Ғазаллар) / Нашрга тайёрловчи Азиз Қаюмов. Тошкент, 1958.
15. Нодира. Девон. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, инв. 4182.
16. Нодира. Девон. ЎзР ФА ШИ Ҳ. Сулаймонов фонди қўлёзмаси, инв. 313.
17. Нодира-Комила. Девон / Нашрга тайёрловчи: Қодирова М. Тошкент, 2001.
18. Олимий Л. Нодира // Билим ўчоғи. 1923. № 2-3. Б.28–36.
19. Пўлоджон Домулла Қаюмов. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: акад. А.Қаюмов. Тошкент, 1998.
20. Рашидов Ў. Нодира. / Ёрқин ҳаёт. 1940. №4. Б. 12–15.
21. Рашидов Ў. Уч шоира. Тошкент, 1958.
22. Сулаймонова С. Суғд воҳасида Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқаруви // Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. Қарши, 2022.
23. Увайсий. Девон. / Нашрга тайёрловчи Ҳ. Раззоқов, У. Қосимов, Ғ. Абдуллаев, Н. Маматов. Тошкент, 1963.
24. Увайсий. Нодира. Ўзбек шоиралари баёзи / Тузувчи ва сўз боши муаллифи: М. Қодирова. Тошкент, 1993.
25. Усмон Т. Бисту се ажиба. Душенбе, 1958.
26. Хатун // https://ru.wikipedia.org/wiki/ Хатун.
27. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Тошкент, 1961.
28. Қаюмов А. Нодира / Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958. №1. Б.35– 41.
29. Қаюмов А. Шоира Нодира // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958. № 4. Б.11–16.

30. Қаюмов П. Хўқанд тарихи ва адабиёти / Нашрга тайёрловчи: А.Қаюмов. Тошкент, 2011.
31. Қобилова З. Амирий шеърияти.Тошкент: Фан, 2010.
32. Қодирова М. Дилшод: ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1971.
33. Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1964.
34. Қодирова М. Нодира: ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1965.
35. Қодирова М. Шеърият ва муҳаббат маликаси. Тошкент, 1998.
36. Қодирова М. Шоира Анбар Отин. Тошкент, 1991.
37. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. Тошкент, 1992.

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.